

## ЖАМИЯТДА ЭКОЛОГИК НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

Ashurov Abror Uralovich

Researcher of the Research Institute “Mahalla va oila”,  
Republic of Uzbekistan

### Annotatsiya

Бугунги кунда глобал экологик муаммолар қайтариб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хавф-хатарни ўзида намоён этмоқда. Мавжуд муаммоларни хорижий мамлакатлар тажрибаси асносида таҳлил қилиш ва ечимига доир аниқ-таклиф ва тавсияларни илгари суриш муҳим ҳисобланади. Бу вазифаларни амалга оширишда жамоатчилик экологик назоратини йўлга қўйган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудидаги мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, миллий амалиётга мос жиҳатларини оммалаштириш лозим. Ушбу мақолада ана шу жиҳатлар кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** жамоатчилик экологик назорати, ижтимоий экологик иттифоқ, трансчегаравий таъсирлар, экологик барқарорлик, экология, атроф-муҳит муҳофазаси, экофаоллар.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида экологик вазиятни барқарорлаштириш йўналишида тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Давлат раҳбарлари даражасида, қолаверса, ҳукуматлараро, парламентлараро ўзаро ҳамкорлик 1992 йилдан бери самарали олиб борилмоқда. «Биринчи марта 1992-йил 8-февралда Озарбайжон, Арманистон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина ўртасида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган». «Замонавий экологик муаммоларнинг кескинлашиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда 2013-йил 1-март куни МДҲ давлатлари ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим лойиҳаси имзоланган эди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини 2020-йилгача бўлган даврда иқтисодий ривожлантириш стратегияси асосида ишлаб чиқилган Битим лойиҳасида ўз халқлари ва бошқа давлатлар халқлари, келажак авлодлар олдидаги қулай шарт-шароитларни таъминлаш учун муносабатлар ва масъулиятни ошириш кўзда тутилган».

МДҲга аъзо давлатларнинг турли йўналишлар доирасида ўзаро ҳамкорлиги уларнинг энг аввало бир-бири билан чегарадош эканлиги билан характерланади. Ўз навбатида минтақа нуқтаи-назаридан яқин бўлган давлатларда келиб чиқувчи муаммолар яхлитлик касб этади. Экологик муаммолар ҳам муштарак аҳамиятга эга бўлгани боис

мазкур йўналишдаги ҳамкорлик кутилган натижани таъминлайди. Бунинг учун эса биринчи навбатда қуйидаги масалаларни биргаликда ҳал этиш эҳтиёжи келиб чиқади:

- ✓ Табиий ресурслардан фойдаланишда ўзаро тенглик ва адолат тамойилларига риоя қилиш;
- ✓ Амалдаги қонунчиликни минтақа ва миллий манфаатлар тизимида қайта кўриб чиқиш;
- ✓ Халқаро тажрибанинг минтақа хусусиятларига мос жиҳатларини ўзлаштириш;
- ✓ Соҳага ихтисослашган ташкилотлар ўртасида тизимли ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантириш;
- ✓ Минтақа экологик вазиятини барқарорлаштиришда тажриба алмашиш.

Айни вақтда МДХ давлатлари орасида Россия Федерациясининг мазкур йўналишдаги тажрибасининг айрим жиҳатларини кўриб ўтиш жоиз.

А Олейниковага кўра, «Россия Федерациясининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги кўп томонлама конвенциялар доирасида ривожланмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш, шунингдек, уларни амалга оширувчи органлар тизими (мажмуи), ушбу органларга юкланган вазифалар таҳлили, уларни амалга оширишда фойдаланиладиган усуллар, ҳуқуқий механизмлар билан боғлиқ уч мингдан ортиқ икки томонлама шартнома ва битимлар мавжуд».

Россия Федерациясининг 2030 йилгача бўлган даврда атроф-муҳитни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсати Россия Федерацияси Конституциясига, халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормаларига, Россия Федерациясининг халқаро шартномаларига, федерал қонунларга, Россия Федерациясининг таъсис субъектларининг қонунларига асосланади. Мамлакат асосий эътиборини ижтимоий-иқтисодий муаммоларни мувозанатли ҳал қилиш, биологик хилма-хилликни ва табиий ресурсларни сақлаш масалаларига қаратган».

МДХ таркибига кирувчи аксарият давлатларда экологик назоратни ташкил этиш «Халқаро ижтимоий экологик иттифок» (минтақадаги энг йирик нодавлат ташкилотлардан бири) томонидан экологик вазиятни барқарорлаштириш ҳамда экологик назоратни ташкил этиш юзасидан қуйидаги тавсияларни илгари суради:

- Ҳамдўстлик таркибига кирувчи мамлакатларда трансчегаравий салбий таъсирларни олдини олиш ва атроф муҳит муҳофазасини ташкил этиш;
- Экологик барқарорликка салбий таъсир кўрсатувчи лойиҳалар, технологиялардан босқичма-босқич воз кечиш;
- Ҳайвонот дунёсидаги хилма-хилликни сақлаб қолишда самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- Ичимлик суви, тоза ҳаво, муқобил энергия ва бошқа тақчиллиги ортиб бораётган ресурсларни асрашга қаратилган ҳамкорликни кенгайтириш;

• Хамдўстликка аъзо айрим давлатларда мавжуд атом саноатидан фойдаланишда атроф-муҳит барқарорлигига эришиш.

Экологик назоратни ташкил этишда хамдўстликка аъзо ҳар бир давлат ўз ташаббусларини илгари суриб келмоқда. Жумладан Россия Федерацияси томонидан билдирилган ташаббуслардан бири – бу фуқаролар ва жамоат ташкилотларига кенг ваколатларни тақдим этиш билан боғлиқ. Рус олимларининг фикрларига кўра, «бу ташаббус аслида жуда декларатив бўлиб, амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларига эга эмас. Шунга қарамай, ҳуқуқий нигилизм даражаси жуда юқори бўлган Россияда табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришишда биринчи ўрин жамоатчилик назорати амалиётига тегишли. Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш фуқаролардан нафақат юқори малакали, балки амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат жараёнини ташкил эта олишини ҳам талаб қилади».

Мазкур ёндашув Украина, Беларусь давлати мутахассислари томонидан билдирилган фикрларда ҳам учрайди. «Россия, Украина, Беларусдаги жамоатчилик экологик назоратчиларининг иш тажрибаси шунини кўрсатадики, ҳатто замонавий шароитларда ҳам жамоатчилик назорати ҳуқуқини ҳимоя қилиш мумкин ва зарур. Ушбу мақсадга эришишга давлат экология инспекторлари фаолиятининг экологик қонун ҳужжатларини бузган шахсларни аниқлаш бўйича аниқ ижобий натижалари ёрдам бермоқда. Демак, табиатни муҳофаза қилиш ва экологик назоратни самарали ташкил этишнинг жамоатчилик назоратига асосланган фаолияти кенг оммалаштириш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

«Жамоат экологик назорати давлатнинг ваколатларини камайтирмайди, алмаштирмайди ва ўрнини босмайди, балки ваколатли идоралар фаолиятини сезиларли даражада тўлдирди. Бугунги кун воқелиги узлуксиз фаолият юритувчи мустақил фуқаролик назорати механизмларини яратишни талаб қилади. Шундагина фақат индивидуал қоидабузарликларни бартараф этишга эмас, балки узок муддатли ижобий таъсирга ишониш мумкин бўлади.

Мазкур йўналишда Беларусь Республикасида жамоатчилик экологик назоратни ташкил этишнинг қуйидаги тажрибаси эътиборга молик: Унга кўра, жамоатчилик экологик назоратини олиб борувчи фуқаро ёки жамоат ташкилоти фаоли муайян давр оралиғида тегишли давлат органларига ҳисобот бериб бориши талаб этилади.

Худди шу тажрибани Украина мисолида кўрадиган бўлсак, жамоатчилик назоратчиларининг ваколатлари кенглигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Назоратчилар қуйидаги ҳуқуқ ва ваколатларга эга:

- давлат инспекторлари билан биргаликда рейдларда қатнашиш;
- текширишларни амалга ошириш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида баённомалар тузиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш мақсадида

тегишли давлат тузилмаларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш;

- экология тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадида судга тақдим этиш учун материалларни тайёрлашда иштирок этиш.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, экологик назоратни самарали йўлга қўйиш ушбу йўналишда аниқ натижаларга эришган давлатлар тажрибасини ўрганмасдан туриб амалга ошириб бўлмаслиги ойдинлашиб бормоқда. Шундай экан, халқаро тажрибанинг юқорида келтирилган ўзига хос жиҳатларидан миллий экологик барқарорлик йўлида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Волков А.М., Конджакулян К.М. О месте и роли Администраций президентов Российской Федерации и Республики Армения // Вестник Евразийской академии административных наук. - 2012. - № 2. - С. 23-30.
2. А. Я. Олейникова. Зарубежный опыт охраны окружающей среды в аспекте управления. Ученые заметки ТОГУ. 2014, Том 5, № 4, С. 767 – 775.
3. Основы государственной политики в области экологического развития России на период до 2030 года // Система ГАРАНТ: <http://base.garant.ru> (Дата обращения 12.10.2014)
4. Д. Абдуллаева. Права и полномочия общественного инспектора: международный опыт. Экологическая безопасность и гражданская инициатива. № 12. Ташкент.2009. С-22.
5. Лютягина Е.А. Управление природопользованием и охраной окружающей среды в зарубежных государствах. Труды кафедры административного и финансового права: Современные проблемы публичного права в России и за рубежом /Отв. ред. А. Б. Зеленцов, А.М. Волков. – Вып. I. – М.: РУДН, 2011. – С. 89-100
6. Б.Н.Омонов. Экологик глобаллашув ва унинг Ўзбекистон экологик сиёсати га таъсири. Фалсафа фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Қарши-2022. Б-155.